



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

Қурилиш вазирлиги (Б.Зокиров) ва Молия вазирлиги (Т.Ишметов)

билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан уларда катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлантириш, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда қуриш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга жойлаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда унинг тузилмаси, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида **Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, **мустақил марказ сифатида фаолият юритади;**

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул жойлаштирилади;

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Мамлакат тараққиётининг замини,
ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ДАВР ТАЛАБИ



Фозилжон ОТАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари институти
директори

Инсоният ривожланиш тарихининг асосини илм-фан ташкил этади. Гап шу ҳақда кетганида, олим ва

мутафаккир боболаримиз асос солган тамаддун моҳиятини дунё аҳли ҳали-ҳамон ҳайрат билан эътироф этади. Буюк аждодларимизнинг илм-фан, адабиёт, фалсафа каби турли соҳаларда эришган ютуқлари, бизга қолдирган бой мероси инсониятнинг маънавий мулки бўлиб қолди.

Биз бугун янги тараққиёт даврини бошладик. Илм-фанга, зиёлиларга эътибор кучайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш мақсадида кўплаб зғу ишлар қилинди, соҳанинг мустақкам ҳуқуқий базаси шакллантирилди.

Биринчидан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон илм-фанига янги ҳаёт бахш этилди, унга янги ва замонавий дунёқараш асосида ёндашила бошланди, бу жараёнда илмий фаолиятнинг янги тарихий даври учун замин ҳозирланмоқда. Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги ил

ислохотларидан бири илм-фанни ривожлантириш, соҳа фидойиларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун янги механизмлар жорий этилгани бўлди. Шу мақсадда 2016 йил 29 декабрда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармон билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини фан-таълим ва ишлаб чиқаришга фаол жалб этиш, бу жараёнда интеграцияни чуқурлаштириш, юқори маънавий кадрлар тайёрлашда олимларнинг ролини кучайтириш каби тахсинга сазовор ишлар қилинди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз илм-фан аҳли, жумладан, академикларимизнинг фаол ҳаётини таъминлаб берди, десак айни ҳақиқат бўлади.

▶ Давоми 3-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Кувайт миллий телевидениеси Ўзбекистон ислом қадамжолари ҳақидаги видеороликларни эфирга узатди



Кувайт миллий телеканали Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги “Сузук ота” мажмуаси ҳақидаги видеороликни оммабоп кечки дастурда намойиш этди.

Видеоролик Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг “Дунё” АА томонидан тайёрланган бўлиб, у “Ўзбекистон: ислом қадамжолари” туризмнинг навбатдаги лавҳасидир.

Дастурда барча хунармандлар устози сифатида эътироф этиладиган аллома Сузук ота меъморий мажмуасининг қурилиши тарихи ҳақида маълумот берилган. Сузук ота нафақат Тошкент шаҳри, балки ундан узоқ ўлкаларда ҳам таниқли шахс бўлган. Ҳазрат ўз истеъдоди, халқни бирлаштириш қобилияти, ибратомуз амаллари билан машҳур бўлиб, аҳоли томонидан у кишига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган.

Мажмуа 1392 йилда Соҳибқирон Амир Темур даврида қурилган

масжид ва мақбарадан иборат. 2019 йилда ушбу зиёратгоҳда кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Теледастурда иштирок этган Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчиси Баҳромжон Аълоев ўзбек халқининг бой тарихи, маданий, маънавий ва илмий мероси, республикада тарихий обидалар ва қадамжоларни сақлаш ва ободонлаштириш борасида бажарилаётган тизимли ишлар ҳақида сўзлаб берди. Дипломат телетомошабинларга ўзбек халқининг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича қатор илмий муассаса ва марказлар, жумладан, Халқаро ислом академияси, Ислам цивилизацияси

маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Элчи, шунингдек, мамлакат сайёҳлик саноатини ривожлантириш, тарихий шаҳарлар ва замонавий сайёҳлик йўналишлари салоҳияти, инфратузилмани яхшилаш ҳамда модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар, визасиз ва соддалаштирилган виза бериш режимларини жорий этиш, Кувайт ва Тошкент ўртасида мунтазам авиақатновларни йўлга қўйиш ҳақида гапирди.

Кувайт миллий телевидениеси режиссёри Ҳажар ал-Муҳанна ўзбек халқининг бой маънавий-маърифий меросига юксак баҳо берди.

▶ Давоми 2-бетда

ҚАРОР ВА ИЖРО

БОКС



ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ
ЮКСАЛИШИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун ўзбек боксчиларини дунё танийди. Улар ринг қиролига айланган. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида боксчиларимиз дунёнинг 10 га яқин давлатида ўтказилган халқаро мусобақаларда 80 га яқин медални қўлга киритган бўлса, шундан 30 дан ортиғи олтиндир.

Президентимизнинг 2021 йил 29 апрелдаги “Бокс янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўзбек боксини янги босқичда ривожлантириш, янада шарафли ютуқларни қўлга киритиш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини бундан-да ошириш йўлида муҳим ҳуқуқий асос бўлди, дейиш мумкин.

▶ Давоми 5-бетда

ЗАМОНДОШ

“ЮК ТАШУВЧИ БЎЛИБ ҚОЛИБ КЕТИШИМ МУМКИН ЭДИ...”

ЮРТИМИЗДА ХАЛҚАРО ХИРШ ИНДЕКСИ БЎЙИЧА
ЭНГ ЮҚОРИ БАҲО ОЛГАН ЁШ ОЛИМ ҲИКОЯСИ



▶ 4-бетга қаранг.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ГАЗЕТАСИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Эндиликда газетада QR-код билан эълон қилинган мақолаларни видео кўринишида ҳам томоша қилиш имконияти бор. Мазкур QR-кодни сканер қилиш орқали лавҳага ўтинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизда умумий штатлар ва стационар ўринлар доирасида **Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари** ташкил этилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Қўрилиш вазирлиги (Б.Зокиров) 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудда замонавий янги бино-иншоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

4. Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Б.Мусаев):

2021 йил 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасай кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси негизида 300 ўринли замонавий Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолияти илгор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилишини;

икки ой муддатда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ва жиҳозлаш концепциясининг ишлаб чиқирилишини;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини ташкил этишга хорижий экспертлар ва етакчи илмий-тадқиқот муассасалари жалб қилиниши, молиявий, ташкилий ва бошқа зарур чоралар амалга оширилишини;

суяк кўмиги ўзақ ҳужайраларини кўчириб ўтказиш амалиётини биринчи босқичда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида, кейинчалик эса Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида ҳам жорий этилишини;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун қуриладиган бино-иншоотлар комплекси соҳадаги илгор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибасини инобатга олган ҳолда ташкил этилишини;

марказлар жойлаштирилаётган биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш стандартлари ушбу соҳадаги илгор хорижий тиббиёт муассасалари тажрибаси асосида ишлаб чиқирилишини ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджетидан 2021 йилда **қўшимча 60 миллиард сўм** ҳамда 2022 йилдан бошлаб **125 миллиард сўмдан** кам бўлмаган миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш қўйидаги миллий дастурлар асосида амалга оширилад:

9-14 ёшдаги ўсмир қизларни **одам папилломаси вирусига қарши вакцина билан эмлаш**;

30-55 ёшдаги аёллар орасида бачадон бўйни ва **45-65 ёшдаги аёллар** орасида кўкрак бези саратони скрининги.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджетни параметрларини шакллантиришда мазкур бандда кўзда тутилган харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари мазкур бандда белгиланган қизлар ва аёллар орасида онкологик касалликлар тарқалишининг олдини олиш ва эрта диагностика қилиш миллий дастурларини **тегишли ҳудудларда самарали ва тўлиқ ижросини таъминлашга** ҳамда ажратилаётган маблағларнинг **манзилли** ишлатилишига **шахсан масъул ҳисобланади**.

7. Туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг “Аёллар маслаҳатхона”лари таркибида мунтазам равишда **аёллар орасида кенг қўламли бирламчи текширишлари амалга оширадиган “Онко-назорат”** (Сансег-назорат) **хоналари** ташкил этилсин.

Белгилансинки:

ушбу хоналар 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш умумий бюджет фонди доирасида ташкил этилади;

ушбу хоналардаги текширувлар сифати Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан **махсус ахборот бошқаруви тизими** орқали назорат қилинади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 7-бандида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқсин;

2021 йил якунига қадар “Онко-назорат” (Сансег-назорат) хоналарида фаолият кўрсатувчи шифокорларни тайёрлаш ишларини якунласин;

2022 йил 1 январга қадар “Онко-назорат” (Сансег-назорат) хоналарининг зарур тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин.

9. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

“Онко-назорат” (Сансег-назорат) хоналари ташкил этилишига шахсан жавобгар ҳисобланади;

ўз ҳудудларида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш ҳамда муваффақиятли даволаш кўрсаткичларининг ошиши, касаллик оқибатида юз берадиган ўлим ҳолатининг камайишига эришилганлиги улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда **асосий мезонлардан бири** сифатида эътироф этилади.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) ва Давлат божхона кўмитаси (М.Азимов) икки ҳафта муддатда, истисно тариқасида, 2019-2021 йилларда тузилган (тузиладиган) шартномалар асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмасига мувофиқ импорт қилинган тиббий буюм ва техникалар, дори воситалари “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимида расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудларда гематология ва онкология хизматлари сифатини ошириш, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва онкология диспансерлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2-иловага мувофиқ тасдиқланадиган тиббий техникалар ва сарф материалларини марказлаштирилган тартибда харид қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу бандда назарда тутилган зарур маблағларнинг 40 фоизи 2021 йил 15 июнга қадар, қолган 60 фоизи 2021 йил 1 октябрга қадар маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов), зарур ҳолларда, ушбу бандда кўрсатилган тиббий техникаларни харид қилиш харажатлари учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 2022 йил 1 июнга қадар қайтариб бериш шарти билан бюджет ссудаларини ажратсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур қарорнинг 11-бандида харид қилиниши белгиланган тиббий техникаларни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномаларини “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКда комплекс экспертизадан ўтказган ҳамда контракт тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни махсус ахборот порталига жойлаштирилган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг энг яхши таклифларини танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри тузишга рухсат берилсин.

13. 2021 йил 1 июлдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

гематология, онкология, клиник иммунология, трансфузиология ва шу соҳадаги лаборатория йўналишлари бўйича **ёш мутахассисларнинг хориждаги етакчи илмий ва тиббиёт марказлари иш жойларида малака ошириши ва стажировка ўташи** билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетни ҳамда Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилди;

беморларнинг онкология ва гематологияга ихтисослаштирилган давлат тиббиёт муассасалари йўлланмалари асосида **позитрон-эмиссион томография текширувидан ўтиши билан боғлиқ харажатлари Давлат бюджетидан қопланади**;

онкологик ва гематологик беморларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан республика ихтисослаштирилган марказларига **темир йўл ва авиатранспорт воситалари орқали келиши билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилди**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Транспорт вазирлиги (И.Маҳмадов) **бир ой муддатда** мазкур бандда белгиланган харажатларни давлат томонидан қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноят, У.Собиров, Э.Баситханова) **уч ой муддатда** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари, гематологик ва онкологик касалликларни камайтириш бўйича ижобий тажрибага эга хорижий давлатлар тажрибаси асосида қўйидагиларни назарда тутувчи гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш дастурини тасдиқласин;

бирламчи бўлин **шифокорларнинг гематологик ва онкологик касалликлар тўғрисидаги ҳушёрлигини ошириш** бўйича қисқа муддатли семинар-тренинглار ўтказиш;

тиббиёт бирлашмалари **лабораторияларининг аниқлик даражасини ошириш**, лаборатория шифокорларининг анализларни таҳлил қилиш малакасини ошириш;

аҳолининг онкогематологик саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда гематологик ва онкологик касалликларни эрта диагностика қилишнинг афзалликларини акс эттирувчи аниқ рақамлар, ҳаётини мисоллар ёрдамида қисқа метражли видео ролиқ, қўлланмалар тайёрлаш ва жамоатчиликка етказиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

15. 2021-2022 йиллар давомида аҳоли орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун хорижий грантлар, техник ва бошқа ташқи бегараз кўмак маблағларини жалб этишининг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Абидов мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирини С.Умурзаков:

мазкур қарорга 3-иловада назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларнинг ижроси тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот киритиб борсин;

аҳоли, хусусан Оролбўйи минтақасидаги болалар орасида гематологик ва онкологик касалликларни эрта аниқлаш, беморларни даволаш ва уларнинг профилактикасини кучайтириш учун тизимли равишда грант маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

16. Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида **беморларнинг электрон рўйхатини юритиш тизими** жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекос) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар беморларнинг электрон рўйхатини, жумладан, унда гематологик ва онкологик беморлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг электрон тиббий карталарини юритиш ва беморларни даволаш харажатларини қузатиш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин.

17. **Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров):

а) икки ой муддатда:

гематология ва онкология касалликларини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари рўйхатини, уларнинг самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгилаб борсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) уч ой муддатда Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) билан биргаликда онкологик беморларнинг даволаб бўлмайдиган босқичида уларга наркотик ва психотроп воситаларни буюриш тартибини соддалаштириш, шунингдек, оғрик қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар катталар ва болаларда гематологик, онкологик ва иммунологик касалликларни ташхислаш, даволаш ҳамда беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш стандартлари ва клиник протоколларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазирини А.М.Хаджибаев ва унинг ўринбосари У.Ю.Собиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳофама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.М.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси А.Мақсудов, “Ўзбекнефтьгаз” АЖ бошқаруви раиси М.Абдуллаев ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Мажлисда кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасида давлат органлари, ҳўжалик бирлашмалари, тадбиркорлик субъектлари, жамоат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлиқнинг янги механизмларини жорий этиш йўналишида тизимли ишлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди.

“Ўзбекнефтьгаз” АЖ томонидан 2020 йилда **33,1 млрд м³** газ, **125,1 минг тонна** нефть, **818,6 минг тонна** конденсат қазиб чиқарилган бўлиб, бунда атмосфера **136 минг тонна** турли газлар чиқарилган, ариқ ва дарёларга ҳамда жойларнинг рельефига **18,1 млн м³** оқова сув ташланган ва атроф-муҳитга **41,1 минг тонна** чиқинди жойлаштирилган.

Нефть ва газ қидириш, қазиб чиқариш, узатиш ва сотишда атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида “Ўзбекнефтьгаз” АЖ томонидан **130 млрд сўм** маблағ назарда тутилган **102 та** тадбирдан иборат ҳаракатлар дастури тасдиқланган. 2019-2020 йилларда дастурда белгиланган тадбирлар ижросига **73 млрд сўм** маблағ сарфланган.

Мазкур дастурни амалга ошириш доирасида кейинги йилларда Бухоро нефтини қайта ишлаш заводида “**Евро-4**” ва “**Евро-5**” синфли экологик тоза дизель ёнилгиси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, **710 га** бузилган ер рекултивация қилинди, ишлатилган **230 тонна** техник мой, ишлатилди бўлинган **29 тонна** шина ва таркибиде символ моддаси бўлган **26 минг дон** люминесцент лампа утилизация қилинди, ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлган **585 тонна** қора ва **12 тонна** рангли металл чиқиндилари қайта ишланди, **2 минг тонна** атрофдаги маиший чиқиндилар полигонларга жойлаштирилди, шунингдек, атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш мақсадида **45 минг тул** мевали ва манзарали дарахт ҳамда **152 минг дон**а гул қўчати экилд.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Кувайт миллий телевидениеси Ўзбекистон ислом қадамжолари ҳақидаги видеоликларни эфирга узатди



Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчихонаси кўмағида миллий телевидениемизда томошабинларни



Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар, шунингдек, ўзбек халқи анъаналари ва қадриятлари, буюқ аждодларининг жаҳон ва ислом цивилизацияси ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси билан таништириш яхши анъаналар айланди, — деди у.

Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган дастури ижроси учун **7,9 млрд сўм** маблағ сарфланиб, атмосферага чиқарилаётган газ миқдори **16,3 тоннага** камайтирилган, **493,4 гектар** майдондаги бузилган ер рекултивация қилинган, **12,6 минг** тул турли мевали ва манзарали дарахт қўчати экилган, **2,9 млн м³** йўлдош сув ер ости қатламига жойлаштирилган.

“Ўзбекнефтьгаз” АЖ тизимидаги корхоналарда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ишларини амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Мажлисда, шунингдек, нефть ва газ қидириш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш, узатиш ва сотиш жараёнида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқланган камчиликлар муҳофама қилинди.

Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи якунида “Ўзбекнефтьгаз” АЖ тизимидаги корхоналарда бу борада амалий чоралар қўриш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

2021-2022 йилларда “Ўзбекнефтьгаз” АЖ тизимидаги **4 та** корхонада оқова сувни тозаловчи замонавий локал иншоотларни янгидан қуриш ва **6 та** корхонада мавжудларини модернизация қилиш, шунингдек, **2 та** корхонада чанггази тутувчи **6 та** ускунани модернизация қилиш ҳисобига уларнинг тозалаш самарадорлигини **99,5 фоизга** етказиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

2021-2025 йилларда корхоналар фаолияти давомида атмосфера ҳавосини устувор ифлослантирувчи манбалардан намуна олиш ва уларни таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар ҳамда корхоналарга туташ ҳудудларда станциялар қуратиш пунктларини ташкил этиш;

маълумот алмашишининг тезкор ва электрон тизимини жорий этиш мақсадида атмосфера ҳавоси сифатини назорат қилиш учун корхоналарда ўрнатилган автоматик станцияларни “Узгидромет” марказининг маълумотлар базасига интеграция қилиш;


конларда қудуқларни бурғулашдан сўнг рекултивация ишлари амалга оширилмаган ер майдонлари ва шлам омборларини ўрганиб чиқиш, уларнинг рўйхатини шакллантириш, рекултивация ишларини бажариш жадвалини тасдиқлаш ҳамда уни амалга ошириш.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Кувайт миллий телевидениеси Ўзбекистон ислом қадамжолари ҳақидаги видеоликларни эфирга узатди



— Ўзбекистоннинг Кувайтдаги элчихонаси кўмағида миллий телевидениемизда томошабинларни



Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар, шунингдек, ўзбек халқи анъаналари ва қадриятлари, буюқ аждодларининг жаҳон ва ислом цивилизацияси ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси билан таништириш яхши анъаналар айланди, — деди у.

“Дунё” АА

Ал-Кувайт

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

Илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бошланиши 1-бетда

Иккинчидан, ўтган йиллар мобайнида ҳаётий аҳамияти эътибордан четда қолган илм-фан ва илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита интеграция қилиш мақсадида янги механизмлар жорий этилди, илм-фан кашфиётлари ва янги ишланмаларнинг қиймати ошишига эришилди.

Мазкур ислохот натижасида ҳақиқатда фуқароларнинг оғирини енгиллаштиришга ва ишлаб чиқариш жараёнларини ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Пировардида халқимизнинг тарихий илмий қиёфаси ана дунё узра қайтадан кенг қулоқ ёза бошлади.

Учинчидан, илм-фан соҳасининг ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланди. Хусусан, 2017-2020 йиллар мобайнида соҳани ривожлантиришга қаратилган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шундан 3 та қонун, Президентнинг 50 дан ортиқ фармон ва қарори қабул қилиниб, ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ишлаб чиқилди.

“Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар, Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари шулар жумласидан.

Тўртинчидан, илм-фан ва таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илм-фан вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича жуда катта миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Фанлар академияси ва унинг институтларига янгидан ҳаёт бахш этилиши натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етказилди. Академияга сайловлар қайта тикланди. Илмий ишланмалар ва тадқиқот натижаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди, бир қатор инновация марказлари, илмий кластер ва технопарклар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўтган тўрт йилда илм-фан соҳасини молиялаштириш 4 қарра кўпайди. Илмий ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида уларнинг иш ҳақи 3 баробар оширилди. Фан доктори ва номзодлари учун алоҳида устама ҳақлар белгиланди.

2019 йилдан Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар тўғридан-тўғри давлат бюджети ҳисобидан молиялантиришга ўтказилди.

ЮРИДИК ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Юридик таълим ва фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида 2020 йил 29 апрелда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, Самарқанд, Наманган, Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ҳамда ЎзФАнинг давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълимий соҳасида фундаментал, амалий тадқиқотлар олиб борадиган Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан юридик фанлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари рўйхатида 13 та ихтисослик шифри киритилган. Мазкур рўйхатдан сўнгги йилларда 12.00.11 — Парламент ҳуқуқи, 12.00.12 — Коррупция муаммолари, 12.00.13 — Инсон ҳуқуқлари жой олди.

Диссертациаларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар ва журналлар рўйхати йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Мазкур рўйхатга жами 95 та, жумладан, 23 та миллий, МДҲнинг 43 та, Европанинг 15 та, Американинг 8 та, Осиёнинг 6 та мамлакатини нашрлари киритилган.

Мамлакатимизда юридик фанлар бўйича ОАК қарори билан етакчи олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасалари ҳузурида илмий даражалар берувчи 11 та кенгаш тuzтилган.

1993-2020 йилларда юридик фанлар номзоди (юридик фанлар бўйича фалсафа доктори) илмий даражасини олиш учун 649 та ва юридик

фанлар доктори бўйича 184 та диссертация муваффақиятли ҳимоя қилинди.

1993-2015 йилларда 111 нафар, 2016-2020 йилларда 73 нафар тадқиқотчиға юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражаси берилган.

1993-2015 йилларда 535 нафар, 2016-2020 йилларда 114 нафар тадқиқотчи юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Қонун ижодкорлиги деганда муайян қонунни яратишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, манфаатдор субъектлар билан келишиш, Қонунчилик палатасига киритиш, қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уни Сенат томонидан маъқуллаш, қонунни Президент томонидан имзолаш ва эълон қилишдан иборат илмий-назарий, ижодий ва амалий жараён тушунилади.

Шу маънода ўтган тўрт йилда миллий парла-



ментимиз қиёфаси, фаолияти мазмун-моҳияти тубдан ўзгарганини айтиш жоиз.

2017 йил 12 июль куни Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белдирилган “парламент ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижросчиси бўлиши керак”лиги ҳақидаги ғояси парламентимиз томонидан изчил амалга ошириб келинмоқда.

Айни пайтда миллий парламент қонун ижодкорлиги фаолиятида “қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”, деган устувор тамойилни белгилаб олди. Бунинг ёрқин мисоли шуки, парламент аъзоларининг муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичида уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини бевосита жойига чиқиб ўрганиш ва кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини шу асосда такомиллаштириш амалиёти тизимли йўлга қўйилди.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Булар қонунлар лойиҳасини илмий муассасаларга тақриз учун юбориш, қонун лойиҳасини тайёрлаш учун тузиладиган ишчи гуруҳ (комиссия) таркибига илмий ташкилотлар вакилларини киритиш, уларнинг фаолиятини таъминлаш учун қонун лойиҳа-

си юзасидан илмий ташкилотлар, олимлар маслаҳатлари ва тавсияларини, шунингдек, экспертлар хулосаларини олиш, қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилганига қадар жамоатчилик фикрини ўрганишни, шу жумладан, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокида ўрганишни ташкил этиш, қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатида баҳо бериш учун илмий экспертизадан ўтказиш каби жараёнларда ўз аксини топади.

Шунингдек, зарур ҳолларда қонун лойиҳасини тайёрлашни илмий муассасаларга белгиланган тартибда, ўз ваколати доирасида топшириш ёки уларга шартнома асосида буюртма бериш, энг яхши қонун лойиҳаси учун танловлар эълон қилиш амалиёти ҳам жорий этилди.

ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йили Олий Мажлис ҳузурида ташкил этилган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти депутат ва сенаторларнинг яқин кўмакчиси сифатида Олий Мажлис фаолияти самарадорлигини оширишда ўзига хос роль ўйнамоқда. Энг асосийси, парламент фаолиятида ҳар бир ўзгаришнинг илмий ва ахборот-таҳлилий базаси яратилапти.

Ўтган давр мобайнида институт томонидан амалдаги қонунлар ва қонун лойиҳалари юзасидан 138 та илмий хулоса, Олий Мажлис палаталари қарорларининг 21 та лойиҳаси, 380 га яқин ахборот-таҳлилий маълумот тақдим этилди, давлат дастурлари лойиҳаларига 100 дан ортиқ таклиф берилди, депутатлар ва сенаторлар фаолиятига услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида 4 та илмий-амалий қўлланма ва халқаро конференция материаллари тўплами тайёрланди.

Институтда илмий-маслаҳат кенгаши тuzтилди, БМТнинг парламентаризмни ривожлантириш бўйича ўқув маркази ташкил

таъминлаш” масалалари бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар бажарилиши ва уларда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилиб, таҳлил қилиниши лозим. Бунда ҳар иккала тушунча бири-бирига яқин, бир-бирини тўлдириб турувчи тушунчалар бўлса ҳам уларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд эканига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтида ўтган 3 йил давомида тўпланган амалий тажрибани ҳам ўрганиш фойдадан холи бўлмайд.

Институт илмий ходимлари томонидан 2020 йилда қонун лойиҳалари ва амалдаги қонунлар юзасидан 29 та илмий хулоса тайёрланган. “Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги, “Геном бўйича давлат рўйхатиға олиш тўғрисида”ги, “Инновацион фаолият тўғрисида”ги, “Стратегик режалаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари, Шаҳарсозлик, Экология кодекси лойиҳалари шулар жумласидан.

Долзарб масала. Амалдаги қонунларда қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатиға баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий ва бошқа хил (иқтисодий, молиявий, илмий, экология, коррупцияға қарши ва ҳоказо) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкинлиги ҳамда экспертлар экспертиза натижалари бўйича тегишли хулоса тақдим этиши белгиланган. Аммо қонун лойиҳалари бўйича юқорида санаб ўтилган экспертизани ўтказиш методологияси тўла-тўқис яратилмаган.

Ечим ва таклиф. Қонун лойиҳаси бўйича илмий экспертиза ўтказишнинг асосий мақсади унинг илмий асослантирилганини ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш.

Бу жараёнда қонун лойиҳаси нормалари илмий асослантирилгани (илмий-ҳуқуқий тадқиқот),

мазмунига қўйиладиган талаблар, шунингдек, парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш яхлит тартиби ҳам ўзининг ҳуқуқий ечимини топганича йўқ.

Ечим ва таклиф. Албатта, илм олишнинг чеки ва чегараси бўлмаганидек, парламент фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлашнинг ҳам қатъий белгиланган тартиби бўлиши ва унга сўзсиз амал қилиш лозим, деган фикрдан йироқдამиз.

Парламент фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришға қаратилган “Қонун лойиҳаларининг экспертизаси тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилиш мақсадға мувофиқ.

Мазкур қонунда қонун лойиҳасини экспертизадан ўтказишнинг умумий қоидалари, хусусан, экспертларға қўйиладиган талаблар ва махсус қоидаларда ҳар бир турдаги экспертизанинг (иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, коррупцияға қарши, гендер-ҳуқуқий ва бошқа) ўзига хос жиҳатлари, яъни уларнинг мақсади, асосий вазифалари, объекти ва субъектлари, хулосаларнинг шакли ва мазмунига қўйиладиган талаблар белгиланиши лозим.

Шунингдек, Парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашға оид услубий қоидаларни ишлаб чиқиш ва Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қарорлари билан тасдиқлаш мақсадға мувофиқ.

Учинчиси — парламент фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлашнинг ташкилий масалалари.

Бу фаолиятни амалға ошириш ҳозирги кунда бевосита Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Олий Мажлис палаталари девонларининг тегишли таркибий бўлимларига ҳамда Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳузурида жамоатчилик асосида ташкил этилган Эксперт гуруҳлари зиммасига юклатилган.

Долзарб масала. Аммо Олий Мажлис палаталарига илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан кўмаклашишда муаммолар йўқ, дегани эмас. Бу йўналишда ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжуд.

Қонун ва қарор лойиҳалари бўйича тақдим этилган илмий хулосалардан фойдаланиш жараёни ва самарадорлиги қандай? Мисол учун, қонун лойиҳалари юзасидан тақдим этилган илмий хулосалар барча депутат ва сенаторларға ҳамда қонунчилик ташаббуси субъектларига тарқатилиши керакми ёки улар бу каби илмий хулосалардан қанчалик фойдаланяпти, деган масала ҳозиргача ўз ечимини қутапти.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси ва Сенат ялли мажлисларига илмий муассасалар вакиллари, мутахассислар ва олимлар таклиф қилиниши мумкин. Аммо уларнинг мазкур мажлисларда қандай иштирок этиши, яъни кун тартибидаги масала юзасидан (хусусан, қонун лойиҳаси бўйича) тайёрланган илмий хулосанинг депутат ва сенаторлар ҳуқмиға ҳавола этилиши, маърузачига берилган саволларға жавоб бериши, қўшимча маъруза билан чиқиши мумкинми ёки фақат мажлисларда иштирок этиш билан кифояланиши керакми, деган масалаларға ҳам ойдинлик киритиш мақсадға мувофиқ.

Мамлакатимизда парламент тадқиқотларини амалға оширадиган юқори малакали мутахассислар ва олимлар сони жуда кам. Бунинг натижасида илмий ва ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашда муаммони чуқур, яъни илдиизгача ўрганиш имконияти чекланган, илмий хулосалар ва таҳлилий материалларнинг сифати ҳар доим ҳам юқори савияда эмас.

Мамлакатимизда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

илмий ходимларининг сони 32 нафарни ташкил этади. Бу ўртача ҳар 8 депутат ва

сенаторға 1 нафар илмий ходим бириктириш мумкинлигини кўрсатади.

Парламент тадқиқотлари институтлари штатлари Японияда 847 нафар

(772 депутатта) ва АҚШда 4 минг нафардан зиёдни (535 депутат ва сенаторға) ташкил этади.

Ечим ва таклиф. Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳуқуқий мақомини Олий Мажлис палаталари регламенти тўғрисидаги қонунлар даражасида мустаҳкамлаш, унинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки механизмини аниқ белгилаш, шунингдек, институтнинг Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳузурида фаолият юритаётган эксперт гуруҳлари, парламент тадқиқотларини амалға ошираётган олимлар ва илмий изланувчилар билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини белгилаш таклиф қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалға оширилаётган ислохотлар фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашға, уларнинг фикрини тўлақамли ҳисобға олиш ва “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойилини рўёбға чиқаришға қаратилган тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантиришда парламент фаолиятини илмий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.



ЗАМОНДОШ

“ЮК ТАШУВЧИ БЎЛИБ ҚОЛИБ КЕТИШИМ МУМКИН ЭДИ...”

ЮРТИМИЗДА ХАЛҚАРО ХИРШ ИНДЕКСИ БЎЙИЧА ЭНГ ЮҚОРИ БАҲО ОЛГАН ЁШ ОЛИМ ҲИКОЯСИ

“Агар сизга таълим қиммат туюлаётган бўлса, илмсизлик қанчага тушишини текшириб кўринг!”, — деган эди давлат арбобларидан бири. Биз турмуш таъшишларига шу қадар ўралашиб қолганимизки, баъзида китоб варақлаш ҳам эриш туюлади. Шоу-бизнес вакилларининг эса уйи қандай эканлигидан тортиб, кечки оқатга нима еганигача биламиз. Лекин мамлакат иқтисодиёти, илм-фани ривожига ҳисса қўшаётган шахслар фаолиятига қизиқмаймиз.

Шу мақсадда илм-фан тараққиётига ҳисса қўшаётган замондошларимиз фаолияти, ёш авлодга мотивация бўладиган фикр-мулоҳазаларни мунтазам бериб боришга аҳд қилдик. Бугунги қаҳрамонимиз меҳнат фаолиятини поезд бекатида юк ташувчилардан бошлаб, кейинчалик геолог олим даражасини эгаллаган Шамшодбек Акмаловдир.

Онам укамни мактабга чанада олиб борар эди

Хизматчи оиласида туғилганман. Отам иқтисодчи, онам кадрлар бўйича мутахассис. Ёшлигимиз қишлоқда ўтган. Уйда асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул эдик. Ота-онам зиёлиларга ўзгача ҳурмат билан қарашган ва илмчиларни қадрлаб келишган.

Биласиз, илгари 5-синфдан чет тили дарслари ўтила бошларди. Лекин мен 4-синфдалигимдаёқ инглиз тилига қизиқиб қолганман. Ота-онам шароитлари у қадар яхши бўлмаса-да, китоблар олиб бериб, мен билан шуғулланишга ҳаракат қилишарди. Бошланғичдан юқори синфга ўтгач, “Ана энди ҳақиқий инглиз тили ўқитувчиси билан тил ўрганаман”, деб ўйлагандим, хурсандчилигим узокқа бормадим: мен ўқиётган 15-мактабда инглиз тили ўтилмас эди. Суриштирсак, маҳалламиздан 8 километр узоқликдаги 43-мактабда инглиз тили ўқитувчиси бор экан. Укамнинг ҳам 6 ёшдан қабул қилинишини инобатга олиб, бизни ўша мактабга ўтказишди. Ўшанда икки йилгача, яъни мослашганимизча 8 километр масофага онам укамни қиш кунлари чанага соларди, мен эса ёнларида уйдан вақтли чиқиб мактабга кетар эдик. Онам дарсимиз камроқ кунлари чиқишимизни кутиб ўтирар, дарслар қўзилса, уйга қайтар ва яна шунча йўл босиб, бизни олиб кетарди. Демокчиманки, ота-онам ўқийман, илм оламан, мана бу китобни олмақчиман, мана бу тўғаракка бораман, десак ҳеч қачон йўқ демасди.

Юк ташиб, олий маълумотлилардан кўп даромад топардим

Уйимизнинг олдида поезд бекати бор. Оиламиз катта, мен бош фарзандман. Ота-онамнинг оила боқиб, фарзандларни ўқитиш учун қилаётган



Ҳикмат йўлдошев олган сурат.

Шамшодбек Акмалов 1987 йили Тошкент туманининг Ўрта Чирчиқ вилоятида туғилган. Техника фанлари бўйича фалсафа доктори. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг бакалавр ва магистратура босқичларини битирган. Рус, инглиз ва француз тилларини билади. Докторантура босқичини Франциянинг Лиль илм-фан ва технологиялар университетида тамомлаган. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Хирш индекси энг юқори ёш олимлардан бири сифатида тақдирланган. Бугунги кунда ҳудудларнинг гидрологик ва гидро-геологик мониторингини олиб боришда ахборот технологияларини тақомиллаштириш йўналишида илмий изланиш олиб бормоқда.

саъй-ҳаракати, меҳнатларини кўриб кўмак бергим келди. 11-синфга ўтганимда поезд бекатида юк ташувчи бўлиб ишлаб бошладим. Қишлоғимиз ёнида Тошкент сув омбори бор. Қич-қичалигимизда у ерга кўп борардик. Бу ердаги масъул кишиларнинг суви кузатиши, ифлосланишининг олдини олиш ҳамда балиқларни броконьерлардан сақлаш борасида қилаётган ишларини кўриб, биз ҳам сув хўжалиги бўйича мутахассис, жамиятга керакли шундай инсон бўлишни ору қилганмиз.

Мактабни тугатгач, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ўқишга топширдим. Шартнома асосида ўқишга тавсия этгилдим. Бу хабарни ота-онамга етказиб, ўқимаслигимни, юк ташувчи бўлиб қолаверишимни айтдим. Тўғри-да, ўша пайтларда юк ташувчилар олий маълумотлилардан кам топмасди. Шунда ота-онам “Ҳозир билганимда қуқувватинг бор. 5-10 йил, нари борса 20 йил ишларсан. Кейин-чи? Инсондаги жисмоний имкониятнинг ҳам чегараси бор. У бир кун тугайди. Илм олган инсон эса ҳеч қачон ишсиз, даромадсиз қолмайди. Шартнома пулини бир амаллаб тўлаймиз, сен, албатта, ўқишинг керак”, дея қатъий туриб олишди. Агар ўшанда ота-онам ўқишга ундамаганида, илмга қизиқтириб, шароит яратиб бермаганида ҳозир катта эҳтимол билан юк ташувчи бўлиб юрган булардим.

Хирш индекси ва баҳолаш мезони

Scopus дунёнинг энг нуфузли илмий-таҳлилий рейтинг платформаларидан бири бўлиб, илмий мақолалар муаллифлари, олимлар, журналлар, ташкилотлар, мамлакатлар рейтингларини тузиш имконини беради. Ундан ўрин олиш учун илмий мақола ёзиш талаб этилади. Рейтингда ўсиш учун мазкур илмий мақолага ҳавола берилиши, олимлар ўз маърузаларида ундан фойдаланиши керак. Бу қанча кўп бўлса, шунча яхши. Мақолага ҳавола берилиши унинг илмий ҳамжамият учун ҳақиқатда муҳим эканини билдиради.

“Хирш индекси” 2005 йилда америкалик олим Жорж Хирш томонидан олимларнинг илмий фаолияти натижадорлигини ҳисоблаш учун тақлиф этилган кўрсаткичдир. Мазкур индекс олим, илмий ташкилот ёки илмий марказ номидан нашр этилган мақолалар ва ундан олинган иқтибослар сонига асосланади. Масалан, олимнинг 10 та мақоласидан жами 10 марта иқтибос келтирилса, унинг “Хирш индекси” 10 га тенг. Агар у 100 та мақола чоп этган бўлса-у, улардан фақат бир марта иқтибос келтирилган бўлса, унинг индекси 1 га тенг деб баҳоланади.

Ўзбекистонда илк маротаба Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Хирш индекси бўйича энг юқори мақомга эга бўлган олимлар тақдирланди. Бунинг учун “Elsevier” базасига мамлакатимизда илмий ижод билан шуғулланаётган олимлар тўғрисида маълумот сўраб, мурожаат жўнатилди. База эса иқтибослик даражаси энг юқори олимлар рўйхатини тақдим этди. Шунга айтишим мумкинки, бундай баҳолаш мезонида Ўзбекистондан инсон омили иштирок этмади.

Оролни сақлаб қолиш қийин, аммо...

Орол денгизи нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсониятнинг глобал муаммоларидан бири. Номзодлик диссертациямда унга қўйилдиган Сирдарё мисолида Оролга борадиган ҳамда буғланиб кетадиган ер ости ва ер усти сувларининг ҳаракатини масофадан ўрганишда ахборот технологияларини яратишни мақсад қилдик. Афсуски, сув сатҳини ўлчаш ҳамда Оролбўйи минтақасида гидрологик ва гидро-геологик тадқиқотларни олиб боришда ишлатиладиган техника ва технологиялар жуда эскирган. Ўзгаришлар ҳам эски. Ҳозир суви нazorat қилиш учун у ҳудудга боришинг ҳожати йўқ. Бу ишни суъий йўлдош ҳамда бошқа замонавий технологиялар орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Яна бир ачинарли томони, илмдаги бу янгилик ва янги ташаббусларни кекса авлод вакиллари томонидан қабул қилиниши қийин кечмоқда.

Оролни сақлаб қолиш қийин. Бу жуда оғирлиқ масала. Аммо унинг атрофида ландшафтлар ҳосил қилиб, унга келиб тушаётган ва буғланаётган сув ҳаракатини назорат қилиш мумкин. Айни пайтда Қорақалпоғистон ҳудудига қудуқлар ўрнатиб, сув билан боғлиқ ишларни масофадан бошқаришга йўл-йўриқ кўрсатуви

улкан база яратиш устида ишлаяпмиз. Бу база нима учун керак?

Биз яратаятган база Оролбўйида олиб бориладиган геологик ва гидро-геологик жараёнларни сўнгги инновацион технологиялар асосида масофадан туриб бошқариш имконини беради. Яъни, мутахассислар пойтахтдан туриб, у ердаги жараёнларни кузатади, таҳлил қилади, муаммо юзага келган жойлар тўғрисида маълумотларни олиб, тегишли ташкилотларга жўнатади. Бу ҳам вақт, ҳам маблағни тежайди.

Илм йўлини танлаган оиласини қай даражада таъминлай олади?

Бу саволни бундан бир неча йил олдин сўраганимизда “Унчалик таъминлай олмайдим” деб жавоб берган бўлишарди. Чунки ҳақиқатан илм аҳлининг ойлик маоши ҳаттоки юк ташувчиникидан ҳам пастроқ эди. Аммо сўнгги йилларда Президентимиз томонидан эътибор ошиб, ҳозир ўз ишнинг устаси, билимли ва чет тилларни билладиган ҳаракатчан олим наманам деган тадбиркор билан беллаша олади.

Бугунги кунда фан номзодининг ойлиги 6 миллион сўмдан ошди. Унинг ойлигига 15 фоиз устама қўшилади. Агар у докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор унвонини олса, ойлигига яна 60 фоиз устама қўшиб берилади. Агар тадқиқотчи халқаро тил сертификатига эга ёки чет эл базаларида мақола чоп этган бўлса, бунга ҳам қўшимча маблағлар ёзилади.

Тадқиқотчи ўн кунда 5-6 минг евро топиши мумкин, агар...

Нафақат илм соҳасига кирган одам, балки барча учун ҳам чет тилни билиш жуда муҳим ва зарур. Агар тадқиқотчи инглиз тилини яхши билса, унга имконият эшиклари янада кенг очилади.

Университетимизда чет элда таълим олишни таъминловчи халқаро грант дастурлари кўп. Шулардан Эрасмус мундус дастурига қирувчи иккита мисолни келтирайман. Буларнинг бири Руминияга, бири Словакия давлатига берилади. Бу лойиҳа доирасида бир профессор-ўқитувчини ўн кунга стажировкага жўнатамиз. Олимнинг қўндалик харажатларига қунига 250 дан 750 еврогача стипендия ажратилади. Яшаш ва транспорт харажатларидан орттириб, 5-6 минг евро атрофида стипендия олиб қайтиши мумкин. Энг асосийси, илм ва ишлаб чиқариш уйғун олиб бориладиган сабаб, даладлага бориб қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг ишлашини бевосита кузатиш имкониятига эга бўлади. Мана сизга тил билган олимнинг ўн кунлик даромади ва эришадиган муваффақиятларидан бири.

Мен ҳам бир неча маротаба чет давлатларга бордим, малака оширдим, ўқидим, илмий изланишлар олиб бордим. Ҳар гал чет эл илмий доиралари вакиллари ичида юганимда, уларнинг бизга ҳурмат билан муомала қилганла-

рини кўрганимда чана орқалаган онам, қўшимча тўғаракларга пул топиб берган отам кўз ўнгимда гавдаланади. Ичимдан ўтадиган бу туйғуларни сўз билан таърифлай олмаيمان.

Ўзбекистон университетлари нега юқори рейтинг рўйхатига қира олмаяпти?

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари кўп йиллардан бери халқаро рейтингларга киришга ҳаракат қилиб келади. Айниқса, сўнгги йилларда бу жараён анча жадаллашди. Биласизми, рейтингга киришнинг талаблари жуда кўп. Битирувчиларни иш билан таъминлаш, халқаро университетлар билан алоқани кенг йўлга қўйиш ҳамда таълим сифати каби тамойиллар уларнинг энг муҳимларидир. Бизнинг олий ўқув юртларида иш билан таъминлаш мақтанарли даражада эмас. Қолаверса, профессор-ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам чет тилини яхши билмайди. Бунинг оқибатида чет эл университетлари билан алоқалар кенг йўлга қўйилмайди. Мана шу иккита омил университетларимизни оёғидан чалаверади.

Франция қандай ривожланди?

Францияга докторантура учун ўқишга борганимда, тўғриси, бироз хайратландим. Бир томонда замонавий цивилизация бўлса, иккинчи томонда қўхна тарих. Бир дўстимдан сўрадим: — Бизга кимё ўқитувчимиз Ўзбекистон ҳудудига Менделеев жадвалидаги барча элемент бор, деб айтди. Сизларнинг ерингиздаги асосий элемент эса оҳақтош. Шундай экан, Франция қандай қилиб ривожланди?

У шундай жавоб берди: — Бизда ғоя бор ва бу ғоя дунёдаги барчага керак!

Ана шунда тушундимки, инсоннинг жисмоний меҳнатидан кўра, ақлий салоҳияти қиммат туради.

Инсон ресурси ва илмий салоҳият

Ўзбекистон — серқуёш диёр. Қишлоқ хўжалиги бўйича имкониятларимиз беқиёс. Ер ости ва ер усти бойлиқларимиз ҳам кам эмас. Аммо улар чекланган. Бир кун келиб тугайди.

Бугун ҳукуматимиз бизга манфаатли тақлифни илгари суряпти: “Ҳозир имкон ва ресурслар борида ўқинг, илм олинг!”. Дарҳақиқат, табиий бойлиқларга суяниб қолмаслик керак. Инсон ресурсига инвестиция қилиб, уни ривожлантиришимиз зарур. Тараққиёт драйверлари шуни тақозо этиляпти. Бўлмаса, жилов бошқаларнинг қўлига ўтиб кетади...

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Соҳибна МУЛЛАЕВА ёзиб олди.

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

ТАЛАБАННИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшлари сафида билимли, иқтидорли ва ноёб истеъдод соҳиблари оз эмас. Айниқса, ўз ақлу тафаккури билан дунёга танилаётган, юксак минбарларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар алоҳида эътиборга молик.

Ёш олима Моҳинур Рўзиева Иштихон туманида туғилган. Ўқувчилик чоғларидан билим олишга бўлган қизиқиши ва интилиши сабабли кўплаб фан олимпиадаларида қатнашган. Айниқса, тарих фанига меҳри бўлакча эди. Мактабни аъло баҳо-ларга тугатгач, Самарқанд давлат университети тарих факультетига ўқишга кирди. Ҳозир 3-босқичда ўқиш билан бирга, “Ўзбекистон хо-

тин-қизлари: ўтмиш ва бугун” мавзусида илмий изланиш олиб борапти. Унинг бу мавзудаги кўплаб мақолалари АҚШ, Буюк Британия, Польша, Украина, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон каби давлатларнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган.

Моҳинур ҳали жуда ёш. Шунга қарамай, кўплаб халқаро конференция, форум, анжуманларда спикерлик қилади, маърузалар ўқийди. Имом



ал-Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказида ўтадиган илмий анжуманларда ҳам қатнашиб келади.

М.Рўзиева яқинда Қозоғистон Республикаси пойтахти Нур-Султон шаҳрида МДХ давлатлари ўртасида ўтказилган “Илмнинг энг яхши ёш олими — 2021” халқаро танловига қатнашиб, тарих ва ҳуқуқ йўналиши бўйича биринчи ўринни эгаллади ва олтин медал билан тақдирланди.

Айни пайтда у Россиянинг Қозон шаҳрида ўтадиган халқаро форумда қатнашишга тайёргарлик кўймоқда.

— Биз оилада беш нафар қиз бўлиб, мен кенжасиман. Бу ютуғим

ортида, аввало, онамнинг меҳнатлари муҳассам, — дейди Моҳинур. — Чунки у 38 йил давомида мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келган. Эсимда, жуда кичик ёшимда онамга эргашиб мактабга борардим. У ерда ўқитувчиларга ҳавас билан боқиб, ўзимни устозлардек тасаввур этардим. Бу менинг бошланғич тасаввурларим эди, албатта. Ҳозир аниқ режаларим бор. Келажакда буюк аждодларимиз каби илм-фан йўлида хизмат қилишни мақсад қилганман.

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон бокс федерацияси бош котиби Муроджон МАММАДАЛИЕВ билан суҳбатимиз ушбу қарор ижросини таъминлаш, ўтган давр мобайнида соҳада амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар хусусида бўлди.

— Суҳбатимиз аввалида Президентимиз қарори ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан қилинаётган ишлар ҳамда мазкур ҳужжатнинг мамлакатимиз бокс мактабининг келгуси фаолиятига таъсири тўғрисидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Шубҳасиз, бу қарор Ўзбекистонда боксни ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаб берди. Ҳар бир соҳанинг ривожини, унинг жамият ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши тегишли дас-турлар, режалар, тамойиллар билан белгиланади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, унинг тараққиётини таъминлаш борасида сўнгги йилларда ўта муҳим қарор ва фармон, концепция, дастурлар қабул қилинди. Бешта муҳим ташаббус, Ўзбекистон спортини 2019-2021 йилларда ривожлантириш концепцияси, туризм ва спорт тизимини такомиллаштириш, аҳолини оммавий спорт тадбирларига кенг жалб этиш каби давлат аҳамиятига молик қатор ҳужжатлар шулар жумласидан.

Биз ўтган йиллар мобайнида айнан шу ҳужжатлар асосида иш олиб бордик ва муайян натижа-ларга эришдик. 2019 йилги жаҳон чемпионатида, Олимпия саралаш мусобақаларида ва бошқа халқаро спорт тадбирларида эришган ютуқлари-мизнинг туб негизи мазкур ҳужжатлар ижросидир, дейиш мумкин.

Президентимизнинг “Боксни янада ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори том маънода янги ғалабалар, ўзбек боксининг жаҳон-даги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш учун муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бундай дейи-шимизга сабаб шуки, 2016 йилги Рио-де-Жанейро Олимпиадасигача Ўзбекистон бокс федерацияси доимий тарзда терма жамоани шакллантириш бў-йича иш олиб борарди. Мураббий ва мутахассис-лар катта босим остида ишларди. Терма жамоа-ларга номзодларни саралаш учун мусобақалар ўтказишда ҳар йили янгича тартиб-қоидаларни жорий этиш, изланиш қилиш мақсадида спорт со-ҳаси раҳбариятига тақлифлар киритардик. Ўз нав-батда, улар бунинг қонуний асосини талаб қилар-ди, биз эса боксда кучли спортчиларни танлашда янгича тартибларни жорий этишни истардик. Маз-кур ҳужжат биз орзу қилган жиҳатларга тўла мос бўлиб, терма жамоага ҳар томонлама салоҳиятли спортчиларни танлаш механизми жорий этилиши-га замин ҳозирлади.

Қайд этиш жоизки, 2020 йилги эпидемиоло-гик вазиятга қарамай, йил давомида 20 га яқин оммавий бокс мусобақаси ташкил этилди ва улар-да 4 мингга яқин спортчи қатнашди. Ўзбекистон-да бокс бўйича мураббийлик фаолияти билан шуғулланувчилар сони 1,5 мингдан ошди. Аммо бу жуда кам. Шундай бўлса-да, мураббий ва му-тахассисларимиз доимий изланишда. Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида федерациямиз бўлимлари ташкил этилди. Уларга тажрибали мураббийлар, спортчилар бириктирилди. Қашқадарё, Навоий, Жиззах вилоятлари ёшлари учун жаҳон ва Олимп-ия ўйинлари чемпионлари бўлган таниқли спорт-чиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Давлиддин Ғойибназаров ва Иқболжон Холдоров доимий ўқув-машғулот йиғинлари ўтказ-иб келмоқда.

— Янги қарор билан ўзбек бокси оламида нималар ўзгаради?

— Очигини айтиш керак, 2016 йилги Рио-де-Жанейро Олимпиадасига қадар бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг асосий таркиби ва захирасини ҳисобга олмаганда, ёшлар, ўсмир-лар, қизлар терма жамоасини доимий эътибор марказида ушлаб туриш қийин масала эди. Тўрт-та таркибни шакллантириш, уларнинг доимий ўқув машғулотларини таъминлаш мураккаблигини бу ишларнинг ичида юрган одам билади. Бу-гун фахр билан айтиш кераки, давлатимизнинг эътибори, Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси ва ҳамкор ташкилотлар кўмаги орқали бокс бўйича барча йўналишларда Ўзбекистон терма жамоаси тўлиқ шакллантирилди. Уларнинг захи-раси таъминланди.

Президентимизнинг қарори терма жамоаларни иқтидорли спортчилар билан таъминлаш, селек-ция тизимини ривожлантиришга бекиёс ёрдам бе-ради. Бойси, қарорда кўрсатиб ўтилганидек, энди

БОКС



ЎЗБЕКИСТОН ИМИЖИ ЮКСАЛИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Андижон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоят-ларида бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаб-лари давлат муассасаси шаклида қайта ташкил этилади. Бундан ташқари, 2025 йилгача спорт таълими муассасаларидаги бокс билан мунтазам шуғулланадиган ўқувчилар сонини 27 минг на-фаргача етказиш назарда тутилган.

Қарорда иқтидорли боксчиларни танлаш ва саралаш, уларни профессионал спортчилар си-фатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Ҳўш, янгича тизим дегани нима?

Маҳоратли спортчини камолга етказишда учта муҳим бўғин мавжуд. Мактаб — олий маҳорат мактаби — терма жамоа. Шу пайтгача бу кетма-кетликда узилишлар мавжуд эди. Эндигина бокс залига кириб келган болани олий маҳорат мак-табига етмасдан йўқотиб қўярдик. Ёки олий ўқув юртларининг жисмоний маданият факультетида бокс мутахассислиги йўналишида ўқиётган бўл-гуси кадрларни кейинчалик “тополмай” қоладик. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат Ўзбекис-тон бокс оиласи тараққиётини ягона бир тузилма кўринишига олиб келишни белгилади.

Келажақда бокс тўғрарагига қадам қўйиб, токи катта ҳаёт мактабига учирма бўлгунча ва ундан кейинги фаолияти давомида ҳам у ўзбек бокси-нинг ягона электрон базасида қайд этиб турила-ди. Бошқача айтганда, ҳаётини бокс билан боғла-ган спортчи бўладими, бўлгуси бокс мураббийи ёки мутахассисими, унинг спорт кўрсаткичлари доимий тарзда кузатилиб, таҳлил этиб борилади.



Бугун Ўзбекистонда боксни ривожлантиришга йўналтирилган 266 спорт таълими муассасаси фаолият юритади. Шундан 230 таси болалар-ўс-мирлар спорт мактаби, 13 таси спортнинг яққа-курашга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмир-лар спорт мактаби, 15 таси ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, 8 таси олимпия ва миллий спорт турлари бўйича ихти-сослаштирилган мактаб-интернат.

— Яқинда пойтахтимиздаги “Хумо арена” спорт саройида бокс бўйича нуфузли мусобақа ўтказилди. Айтинг-чи, мамлакатимизда боксга ихтисослашган залларнинг умумий ҳолати қандай?

— Ҳақиқатан, “Хумо арена” спорт саройида ўтказилган мусобақа Ватанимиз спорт тарихи-да ўзига хос воқеалик бўлди. Ушбу бокс жанглари



тўғридан-тўғри дунёнинг 100 дан зиёд давлатида DAZN телеплатформасида намойиш этилди. Шу пайтгача юртимизда ўтказилган бирор спорт му-собақаси бу қадар катта аудиторияни қамраб ол-маган эди.

Бокс заллари ҳолатига тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиздаги мавжуд 209 спорт залида бокс машғулотларини ташкил этиш мумкин. Ўзбекис-тондаги 5 та спорт мажмуасида нуфузли бокс мусобақаларини ўтказиш учун шароит бор. Лекин юртимизда боксга ҳар томонлама ихтисослашти-рилган махсус бокс мажмуаси мавжуд эмас. Шу маънода, Президентимиз имзолаган қарор асосида келгуси 5 йил ичида давлат-ху-сусий шериклик шартлари асосида 7 та махсус бокс зали-ни ташкил этиш белгилангани Ўзбекистоннинг бокс ривожлан-ган етакчи дав-латлардан бири бўлиб қолишига хизмат қилади.

— Юртимиз боксчиларининг ғалабали одимлари халқимизнинг гурур-ифтихорига айланган. Айтинг-чи, Ўзбекистон терма жамоасининг мустақил жамоа сифатида халқаро мусобақаларда иштироки қачондан бошланган?

Ўтган йилги пандемия шароити боксчила-римизнинг машғулотларни тўлақонли ўткази-шига салбий таъсир қилди. Шунга қарамай, давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитлар натижасида Олимпия ўйин-ларига тайёргарлик кўраётган спортчилари-миз мураббийлар, мутахассислар назорати-да машқларни масофавий шаклда ўтказди. Федерация мутахассислари кундалик машғу-лотларни доимий тарзда таҳлил этиб, зарур тавсияларни бериб турди. Ўғил болалар тер-ма жамоаси тўлиқ таркибда Токио Олимпиа-даси йўлланмаларини қўлга киритган бўлса, қизлар терма жамоаси аъзолари 3 та йўлла-на соҳибига айланди.

Жорий йилнинг июль-август ойларида Япониянинг Токио шаҳрида Олимпия ўйин-

ўринбосари Сакен Пулатовнинг Осиё бокс феде-рацияси вице-президенти этиб сайланиши ҳам жа-ҳон бокс оламининг Ўзбекистон боксига ҳурмати ва эътирофидан далолатдир. Шунингдек, ўзбек бокс мактабида камолга етган унлаб мураббий ва мута-хассисларимиз дунёнинг бир қатор давлатлари-да мураббий сифатида фаолият кўрсатмоқда. Гурур билан айтиш кераки, Хитой, Ҳиндистон, Япония, БАА, Малайзия каби давлатлар бокси ривожига ўзбек мураббийларининг муносиб хизмати бор. Бугун маҳоратли бокс мутахассис-ларини етказиб бериш, уларни хорижий мамла-катларга “экспорт” қилиш борасида ҳам Ўзбе-кистоннинг ўз тажрибаси борлигини таъкидлаш лозим. Айни кунларда 15 дан зиёд мураббийи-миз турли давлатлар ёшларига боксдан сабоқ бермоқда.



лари бўлиб ўтиши режалаштирилган. Ҳозир асосий таркиб спортчиларимиз тўрт йиллик-нинг энг нуфузли мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда.

Шу ўринда Олимпия ўйинлари бошланиши олдида боксчи қизларимизнинг бу йилги жа-ҳон чемпионатида тарихий ғалабага эришга-нини айтиб ўтмасак бўлмас. Жорий йилнинг 13-23 апрель кунлари Польшанинг Кельце шаҳрида ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чем-пионатида боксчиларимиз 3 та олтин, 1 та ку-муш ва 6 та бронза медални қўлга киритди. Айниқса, боксчи қизимиз Нигина Ўктамова-нинг олтин медалга сазовор бўлиб, ўзбек бок-си тарихида қизлар орасида биринчи жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиши ўзига хос воқеалик бўлди.

— Шу кунларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида ўтказилаётган Осиё чемпионатида қатнашмоқда. Билишимизча, Олимпия ўйинларида иштирок этадиган асосий таркиб спортчилари қитъа чемпионатида жалб қилинган. Умуман, Олимпия ўйинларида тайёргарлик жараёнлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Ўтказилаётган Осиё чемпионати боксчи-ларимизнинг ҳар бир баҳсга жиддий эътибор қаратаётганлиги сабабли терма жамоамиз аъзолари учун муваффақиятли кечмоқда. Бу-гунгача 10 та вазндаги барча боксчиларимиз финал сари дадил одимламоқда. Истагимиз, Ўзбекистонга қитъа чемпионлари бўлиб, шо-да-шода медаллар билан қайтиш. Халқимиз гурурини кўтариш.

Олимпия ўйинлари ҳақида шунини айтишим мумкинки, барча ишларимиз белгиланган режа асосида кетяпти. Мураббийлар кенгаши қаро-ри билан даярли барча олимпиячиларимиз Ду-бай мусобақаларига жалб қилинган. БААдаги турнир — спортчиларимиз учун Олимпия ўйин-лари олдида сўнгги расмий синов мусобақа-си. Осиё чемпионатидан сўнг боксчиларимиз 20 июндан 5 июлгача Янгиёбод спорт базасида 10 кунлик тикланиш йиғинига жалб қилинади. Охириги ўқув-машғулот йиғини эса 6-22 июль кунлари Японияда ўтказилади. 24 июлдан бош-лаб боксчиларимиз Олимпиада рингига Ўзбе-кистон шарафини ҳимоя қилишга киришади.

— Ўзбекистон бокс федерациясининг халқаро спорт ташкилотлари, хусусан, Халқаро хаваскор боксчилар уюммаси (AIBA), Осиё бокс федерацияси (ASBC) ва бошқа спорт ташкилотлари билан алоқалари қандай?

— Бугунги даврда халқаро майдонда бирор на-тижага эришишда халқаро ташкилотлар билан ман-фаттли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши муҳим. Ўзбекистон бокс федерацияси ҳам жаҳондаги тур-дош ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқа-ларни мустаҳкамлаб келмоқда. Хусусан, ўзбекистонлик бир қатор спорт мутахассислари AIBA ва ASBCнинг қатор кўмиталари, ижроия бюрolari аъзоси ҳисоб-ланади. Айнан уларнинг профессионал фаолияти туфайли ўзбек бокси, боксчилари дунё рейтинг-ида муносиб ўрнига эга бўлиб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи

— Токио Олимпиадасидан кейин боксчиларимизни қандай мусобақалар кутаяпти?

— Спорт мусобақалари йил ўн икки ой давом этади. Токио Олимпиадаси даврида ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Евро-па ва Осиё минтақаларида ўтказиладиган халқаро турнирларда қатнашади. 2021 йил 26 октябрь — 6 ноябрь кунлари Сербиянинг Белград шаҳрида жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Ҳозир мураббийлар кенгаши мазкур чемпионатда иштирок этадиган терма жамоа таркибини аниқлаш устида иш олиб бормоқ-да. Боксчиларимиз 2019 йили Россияда ўтган жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида 1-урини эгаллаганди. Сербияга йиғитла-римиз чемпион мамлакат спортчилари си-фатида боради. Бундан ташқари, 2022 йили Хитойда ўтказиладиган Осиё ўйинлари, 2024 йили Парижда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига муносиб тайёргарлик кўриш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар кўриломоқда. Федерация мураббий ва мута-хассислари иштирокида ҳар иккала мусоба-қага тайёргарлик кўриш стратегияси ишлаб чиқилган. Шу асосда ўсмирлар ва ёшлар тер-ма жамоалари машғулотларда, мусобақалар-да қатнашиши белгиланган. Умуман олганда, федерациямиз ўзбек боксининг шонли анъа-наларини давом эттириш, қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш борасида доимий изланишда.

— Эътироф этиш кераки, бугун бошқа спорт турларига нисбатан боксчиларимиз қўлга қиритаётган ютуқлар салмоқли. Ҳақиқатан ҳам шароит, муҳит ва эътибор бир хил бўлган вазиятда боксчилар муваффақиятнинг сирини нимада?

— Бу ерда битта муҳим жиҳат бор. Бокс жан-говар ва тартиб-интизомга асосланган спорт тури. Бундан ташқари, йиллар мобайнида Ўзбе-кистон бокс мактабида устозлардан шогирдлар-га, катта шогирдлардан кичик боксчиларга ўтиб келаётган анъана — каттани ҳурмат қилиш, устозлар ўғинига амал қилиш томоийли доимо устувор бўлиб келган. Хурмат ва эътибор, бир-бирини қадрлаш каби азалий қадриятлар бокс мураббийлари, мутахассисларининг қон-қонига сингиб кетган. Қолаверса, машғулотлардаги, мусобақалардаги тартиб-интизом, тинимсиз из-ланишлар халқаро майдондаги ютуқларимизга пойдевор бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда боксинг бугунги ривож-ланиш тенденцияси унга фақат оммалашган спорт тури сифатида эмас, балки мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатувчи, руҳий-маънавий жиҳатдан иродали, матонатли этиб тарбиялаш орқали она Ватанга садоқат тўғйуларини шаклланти-рувчи ноёб восита сифатида эътибор қаратиш-ни тақозо этмоқда.

Зеро, юртимизда бокс инфратрузилмасини моддий-техник жиҳатдан янада яхшилаш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш Ўзбекистон-нинг жаҳон майдонидagi имижини юксалишига хиз-мат қилади.

Тўлқин РЎЗИЕВ суҳбатлашди.



yuz_official



yuz.uz_news

ОЧИҚ ГАП



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ҳамма биладиган бўлса, унинг нимаси сир? Гап шундаки, у ҳақда кўпчиликнинг ичида баланд овоз билан гапирмайдилар. Илоҳи борича, ҳеч ким йўғида шивирлаб сўзлашадилар. Пинҳона узатадилар. Айтилса ҳам “Ҳеч ким билмасин”, “Бировнинг хабари бўлмасин”, “Тагин тарқалиб кетмасин”, “Тилингда маҳкам бўл” тарзидаги гаплар айтилади. Сир бўлса, нега уни ҳамма билади? Чунки бу дунёда ҳар банданинг иши бошқасига тушади.

Қопчиғингни бўшатиб, чўнтагингни йиғлатса ҳам ўзингни югуртирмай ишингни битирадиган нарса айнан шу бўлгани учун унинг борлигидан ҳамма хабардор. Кимдир “соққа”, яна кимдир “шапка”, “қалпоқ” деб номлайдиган (бундан ҳам бошқа номлари бор, қизиги шундаки, ҳар бир соҳа ўзидан келиб чиқиб, унга турли-туман ном қўяди) бу нарсанинг пора (турк қардошларимиз узримизни қабул қилишар, чунки улар муомалаларидаги пулни шундай атайдилар) эканини аллақачон сездингиз. Қайсидир эътирозчи дўстимиз: “Ев қосса, ботир қўпяр” қабилида иш қиялмасиз. Бугун мамлакатимизда коррупцияга қарши бутун бир тизим ишалапти. Коррупцияни жийовлайдиган қонунларимиз орқамизда тоғдай бўлиб турибди”, дея гапимни озғимдан олишга ҳаракат қилаётганига ҳам шубҳа йўқ. Аслида ҳам шундай. Гапимнинг авваллари кўпроқ ўтган замонга тегишли. Лекин яқинда бир жанобнинг радио тўққиларни орқали берган интервьюси қўлоғимга тушди.

У юртимиздан узоқда туриб: “Беш-олтита иморат, беш-олтита йўл қурилган билан Ўзбекистон янги Ўзбекистон бўлиб қоладими?”, дея кўр-қуруна айтиб юборди. Майли, биз кейинги йилларда қурилганларини ва бу қурилганлар йиллар давомида елкаси офтоб кўрмаганларнинг юзларини қулдирганини санаб ўтирмайлик. Бу ҳақиқатни фақат биз эмас, олис-яқинлар ҳам кў-

риб, тан олиб турибди. Ўтган кун билан бугунни қиёслаб ишонарли хулосалар чиқариш учун биттагина тушунча доирасида фикрласак ҳам, бу жанобга ҳақли раддия бўлишга арзирли кўп нарсаси бўлади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтсак, Ўзбекистоннинг нима учун янги Ўзбекистонга айланиб бораётганини тушулмаганларга тушунтириб қўйса бўлади. Масалан, юқорида сўз бошлаганимиз коррупция соҳасини олайлик. Ўтган асрнинг охирига келиб бу иллат шу қадар илдириб отиб, томир ёзиб кетдики, ҳатто бу борада норозиликлар бўлганида (енг ичида, албатта) катта минбарлардан баъзи инсонлар томонидан “Қайси давлатда пора йўқ экан?” Қани, менга шундай бир мамлакатни кўрсатинлар-чи” тарзидаги гаплар ҳам янгради.

Бундай гаплар порахўрликка “оқ йўл”дай туюлди, шекилли (аслида бу минг бир сабабнинг бири, холос), бу мараз иллатнинг қаноти ёзилиб кетди. Айниқса, олий ўқув юртларига кириш бозордаги савдо-сотиқ кўринишини олди. “Манави институтнинг ставкаси бунча экан, бунисиники эса бунча”... Абитуриент билан (тўғрироғи, ота-онаси билан) домлалар орасида олди-берди масаласида воситачилик қиладиган олғирлар пайдо бўлди. Уларнинг ўз жаргонлари ҳам туғилди. Биттаси — “Ўқчи”... Мияси зўр ишлайдиган талаба ёки ўз калласи билан диссертация ёзаётган аспирант (нимага “ўз калласи билан” деганимни мақоланинг давомида изоҳлайман) беш-олтита талабгор билан шартлашади. Улар билан бирга ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширади. Кимлардир уларнинг бир гуруҳга тушишини (бекорга эмас, албатта) таъминлайди. “Ўқчи” ўзига тегишли тест варақасига қўлини ҳам текизмайди, чунки бунга улгурмайди ҳам. Гарданига олганларни эса ишлаб чиқади. Бахти чоғиб, ўқишга кириб кетса, мандатдан сўнг “Ўқчи”лар пулини олади.


Иш шунгача етдики, кириш учун белгиланган пулни тўлаган абитуриентларнинг баъзилари ҳатто имтиҳонга ҳам кирмай қўя қоладиган бўлди. Унинг ўрнига ўша “Ўқчи”лар кириб ишни битириб чиқадиغان бўлди. Натижада олий ўқув юртлари талабалари орасида саводсизлиқ шу қадар авжига чиқдики, бир гап: “Ўзбек мактабини битирган бола қандай қилиб еврогуруҳда ўқияпти, тагин бу олийгоҳда қийиндан-қийин фанлар ўқитилса”, деб ажабланганимизда, суҳбатдошларимдан бири: “Э, опа, ҳозир битта кўриган ёғочни стулга михлаб, “шу ўқийди” десангиз, пули бўлса ўқийверади. Ҳеч ким уни “Бу — ёғоч, одам эмас”, деб кесиб ташламайди”, деган эди.

Талабаларни бир четга қўйиб турайлик, диссертациясини бировга пул эвазига ёздирадиган ясама “олим”лар ҳам пайдо бўлди. Ўша

“олим”лар бир амаллаб мансаб курсисига миниб олгач, диссертация ёклашнинг ўзи — тақриз ёзиб бериш, ҳимоя пайти оппонентлик қилиш — ҳаммасини пулга қақадиган бўлишди. Ўз кучи билан миллий ғоя мавзусида номзодлик диссертациясини ёзган бир синглимиз ёқлаш арафасида киноя билан гапирган эди: “Нуқул келиб-кетаверибман,

атаганини рўмолчага туғиб билагига боғлаб қирадиган бўлди.

— Билагига бойланган рўмолчаси бўлмаса, навбатчи шифокорнинг энсаси қотарди. “Савобга экан, сен бора қол”, деб мени дард тутаетган аёлнинг ёнига йўлларди, — деган эди бир пайтлар пойтахтдаги номдор туғруқхоналардан бирида ишлаётган доя-ҳамшира.



Қарши — Тошкент орасида қатнай-верибман, домлам, “унигингни тутатинг”, деб бир қайтаради, “бунингизни ўнганг”, деб икки қайтаради. Ахийри мендан олдин ҳимоя қилган бир дўстимдан маслаҳат сўрадим. “Шунча ёшни қаерда яшаб юрибсиз, ойдан тушганмисиз, нима бало?” “Қистир-қистир” ашуласини айтиб кириб бормайсизми домлангизнинг хузурига, битмаган ишларингиз томоқдан сариёғ ўтгандек силлиқ би-тиб кетади”, деди. Айтганини қилганим, уч йил судралган ишим икки ҳафтада битди”.

Мана шу икки оғиз гапданок номзодлик, докторлик учун ёзилган илмий ишлар ҳимоясида нималар тош-тарозу қилиб баҳоланганини бемалол билиб олса бўлади.

Пора ўраб, чирмаб ташламаган бирорта соҳа қолмади. Ўқиниш тутатгач, ишга кириш — пора. Хизмат вазифасидан қўтарилиш ҳам шу. Мўкофот, унвонларга сазовор бўлиш “соққа” билан. Болангни тузукроқ боғча ёки мактабга беришининг ҳам енг ичида тўлови бор. Шифохона, туғруқхоналар... Қўзи ёришга қираётган жувонлар навбатчи шифокор гўдагини эсон-омон дунёга келтириб бериши учун

Хуллас, ўша йиллари касбим тақозоси билан қайси касб эгалари билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаётига чуқурроқ кирсам, порахўрлик масаласи бир тоғора балчиққа ўхшаб чиқиб келаверарди. Янги машина олиш учун гараж мудирига пора, узатаётган қизига хориж мебелини харид қилишга дўкон мудирига пора... Ҳатто пахта, пилласини яхшироқ нава ўтказиш учун пунктдаги тегишли шахсларга узатмаса, маҳсулотининг қиймати кўтарилмайдик...

“Сиз ўша пайтда ҳам журналист эдингиз, қўлингизда қаламнингиз бор эди, нуфузли бир журналда ишлар эдингиз, нимага бу иллатни фош қилиб ташламагансиз?” дегингиз келиб турганини ҳис қиялман. Ўзимни жудаям оқламоқчи эмасман-у, лекин уриниб қўрганам. Бир ёзганим манзилсиз, исм-фамилиясиз бўлиб чоп этилган. Шундаям ҳамкасбларимдан яхшигина олқишлар эшитганман. Яна бир уринганимизда — тахририятга юборилган ёзма шикоятни текшириб, тилхат олиб, имзо тўппал юрганимизда, устидан шикоят қилинган судьянинг одамлари биз икки аёл журналистни итга талатмоқчи бўлган. Бир кекса муаллимнинг қўрасига кириб жон сақлаб қолганимиз. Жон учун, оила учун, айниқса, фарзандлар

бида “Яхши ўқиса, албатта, олийгоҳга қиради”, деган ишонч пайдо бўлди ва бу ишонч йилдан-йил мустаҳкамланиб борапти.

Чунки порахўрликка қарши қудратли қонунларнинг ишлай бошлагани бу иллатнинг томирига болта ураётган бир омил бўлса, яна бир омил (бу — асосийси) фуқароларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўланаётгани. Маошлар салмоқли даражада ошаётгани. Ҳуқуқ-тартибот ҳодимлари, маориф, маънавият соҳалари, тиббиёт ва бошқа йўналишларда иш ҳақининг бир неча бор кўтарилгани жамиятимиз об-ҳавосини тозалаётгани, поклаётгани, ҳатто нафси ҳақалак отган бандаларнинг ҳам нафсини жийовлаётгани бор гап. Коррупциянинг йўлига тўсиқ қўяётган асосий омиллардан яна бири — яратилаётган шароитлар туфайли турли ёш, турли касбдаги аҳолининг тафаккур тарзи юксалаётгани. Дейлик, мактабларда ўқиш сифати яхшиланяпти, демек, ўз кучига ишониб олийгоҳга ҳужжати топширган абитуриент кириш учун туғунига пул туғиб юғурмайди. Жуда бали пастлик қилса, суперконтракт деган гаплар бор, пулини очиқ-ошкор, ҳеч кимдан паналанмай давлатга тўлайди. Ҳомиладор аёл ҳам туғруққача бир

неча бор тиббий текширувдан ўтиб, керак бўлса даволаниб, (агар шу текширувлардан ўтиб, зарур бўлса, муолажа олмаса, шифокори унга туғруқхонага йўланма бермайди) ўзи дунёга келадиган чақалоғининг соғломлигига ишонган, нима учун билагига рўмолча тангисин? Дўконларимизда ўзимизни-килардан тортиб исталган давлатнинг мебеллари тикилиб ётган бўлса, ким мудирнинг кўнглини олиш учун ортиқча харажат қилади? Қайтага ҳозир дўкондорлар харидорлар атрофида парвона. Мактабларда ҳам вундеркинд болалар талаш: чунки ҳамма илм даргоҳларига сон ва сифат бўйича баланд рейтинг керак, рейтингни тушиб кетса, мактаб иқтисодига салбий таъсир қилади.

Яқинда набирасини боғчага жойлаштиришга борган бир дугонамиз гапириб берди:

— Келиним билан “Ягона дарча”-га бордик. Навбатимиз етмаган экан, секингина “Бирор йўли йўқми?” деб сўраган эдик, “Ягона дарча”да иш-лаётган аёл: “Ҳеч қанақа йўли йўқ. Йўллар бекилиб кетганига анча бўлди. Қачон навбатингиз етса, ўша аризангиздаги боғчага жойлашади набирангиз, навбатингиз етганда ўзимиз кўнгироқ қилиб қақирамиз”, деди. Ростки, қувонганимдан қўларимга ёш келди. Келиним, “Ойижон, ишимиз битмади-ку, нимага суюнясиз?” деб ҳайрон бўлган эди, “Бу жавобларга етгунимча бу дунёсида эллик йил яшадим, қизим”, дедим. Барбир келиним менинг юрагимдан ўтганларни тушунмади...

Майли, ҳақ-ҳуқуқини таниб, ўзини ўзи ҳимояга шайлаб ўсаётган авлод-га бизнинг “боламга яхши қарасин”, дея боғчага совға кўтариб чопган кўнларимиз, бирор ташвишимизга ечим топиш учун амалдорларнинг қабулхонасида конверт ушлаган қўлларимиз титраб ўтирган пайтларимиз (қандай берар эканман, олармикин, олса, оз кўрмасмикин, деб, албатта) бутунлай тушунарсиз бўлсин. Улар “Мамлакатимизда одил қонунлар ишлайди ва биз ҳимояланганимиз”, деган ишонч билан яшасин. Охири кўнларини ўтказаятган, жон таслим қилаётган порахўрлик сарқитлари уларнинг тиниқ шуурларига соясини солмасин...

Она диёримизнинг чиндан ҳам янгилаётганига ишонсиз қараган ва бу ҳақда ўйламай гапириб юборган жаноб ҳақида ҳам “Ит ҳура, карвон ўтар” қабилида муносабат билдиришни хоҳламаймман, балки билиб-билмай гапириб юборгани учун уялишини, хилолат тортишини истайман. Бир киши ҳақида фикр айтишнинг қанчалар масъулияти бор. Бутун бир мамлакат ҳаётига муносабат билдириш жавобгарлиги эса ундан минг, миллион қарра ортиқроқ. Ҳар ким шу ҳақиқатни теран ҳис қилиб яшагани яхши.

МЕНИНГ ФИКРИМ

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ — АДАБИЁТ ОСТАНАСИ

Наиба АНВАРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Бугун китоб дўконларида исталган китобни учратиш мумкин, бироқ уларнинг ўқувчилари кам, баъзилари ўша ерда ойлаб, йиллаб ўз эгасини кутиб қолаётгани ҳам бор гап. Мана шу каби ҳолатларни бартараф этиш, ёш авлодни китобга, мутўлаага муҳаббатли этиб тарбиялаш мақсадида кейинги йилларда қатор тизимли ишлар қилинмади.

Китоб нашр этиш, унинг савдосини йўлга қўйиш, китобхонлик маданиятини ошириш бора-сида қабул қилинган қарор ва фармонлардан қўзланган бирламчи мақсад ҳам эртамиз эгаларини маънан баркамол этиб тарбиялашдир. Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббусда китобхонликка алоҳида эътибор қаратилгани беҳиз эмас.

Тўғри, китобни мажбурлаб ўқитиб бўлмайди. Ёшларни мутўлаага жалб қилиш учун уларнинг қизиқишидан келиб чиқиш керак. Ҳозир ёшларга “Сенга китоб олиб берсам ўқийсанми?” деб эмас, балки “Телефонимдаги аудиокитоблардан сенга ҳам ташлаб берайми?” десак, уларга кўпроқ маъқул келади, назаримизда.

Яқинда ёш иҳодкорларнинг “Сўз” тўғараги аъзолари билан бирга музейларга саёҳат

уюштирдик. Ойбек уй-музейида ходимлар бизга фильм қўйиб беришди. Унда Мусо Тош-муҳаммад ўғли Ойбекнинг болалиги, қандай қилиб адабиётга кириб келгани, аёли Зарифа Саидносирова билан кечирган ҳаётидан лав-ҳалар намойиш этилди. Матн Зарифа Саидносированинг “Ойбегим менинг” асаридан ўқилмоқда. Фильмни қўзатар эканмиз, атрофдан “Шу китобни ўқиш керак!”, “Мен уйга бор, албатта, Ойбекнинг шу китобини ўқийман!” деган шивир-шивирлар эшитиларди. Фильмдан сўнг ходимлар берган китоблар болаларга чинакам совға бўлди.

Мутўлаа ҳақида тиббиёт мутахассислари бундай дейди: “Мия жуда мураккаб тузилишга эга. Агар киши бирон нарса мутўлаа қилмаса, хоҳ у газета, хоҳ китоб бўлсин — мия қўбиги



кичрайишни бошлайди. Агар нимадир ўқиса, мия қўбиги борган сари кенгайиб, онг ва тафаккур ҳамда идрок этиш кучая боради”.

Буни замондошларимиз жуда яхши билади, лекин негадир кўпчилиги бунга худди оддий гап, қўпол қилиб айтганда, сафсатадек



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълоплар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфия хизматидан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1744.
79242 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳас: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўточилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:20